

Эй Али, уни ўчир!



15:49 / 12.11.2025 2627

Набий соллаллоху алайҳи васаллам умра қилгани келдилар. Ҳали Макка фатҳ этилмаган эди. Қурайшликлар у зотни Байтуллоҳни зиёрат қилишдан тўсди. Бир қанча борди-келдилардан сўнг Ҳудайбияда сулҳ қилишга келишишди. Мушриклар ўзлари томондан элчи қилиб, Суҳайл ибн Амрни мусулмонлар билан сулҳ тузишга юборишди. Сулҳ бандлари келишиб олинганидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Суҳайлга: «Кел, уни ёзиб қўямиз», дедилар ва ёзиш учун ҳазрати Али розияллоху анҳуни чақирдилар. Али розияллоху анҳуга: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим», деб ёз дедилар. Шунда Суҳайл: «Биз буни билмаймиз. Бисмикаллоҳумма, деб ёз», деди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам Али розияллоху анҳуга: «У айтгандек қилиб ёз», дедилар. Кейин айтишда давом этдилар: «Бу Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад билан Суҳайл ибн Амр ҳукм қилган нарсадир».

Суҳайл ибн Амр яна эътироз билдирди:

- Аллоҳга қасамки, агар сени Аллоҳнинг элчиси деб билганимизда Маккага киришдан тўсмас эдик. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ деб ёзсин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳуга:

- Али, уни ўчир ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ деб ёз, дедилар.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу: «Аллоҳга қасамки, эй Аллоҳнинг расули, ҳеч қачон уни ўчирмайман», - дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «уни менга бер», дедилар ва Али розияллоҳу анҳу «Аллоҳнинг расули» деган сўзни

ўчирмасликларини билганлари учун уни ўзлари ўчирдилар. Кейин сулҳ тузилди!

Ушбу ҳодиса Али розияллоҳу анҳунинг маноқибларида келади. Ҳазрати Алининг бу ишлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига исён эмас. Алидек инсон Набий алайҳиссаломнинг амрларига хилоф қилиши мумкин эмас. Бу иш Аллоҳнинг дини учун ёниш ва унинг динини рашк қилишдир!

Бунга ўхшаган ҳолат Абу Бакр розияллоҳу анҳуда ҳам бўлган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бемор бўлганларида Абу Бакр розияллоҳу анҳуга имомликка ўтишни айтдилар. Саҳобалар намозни бошлаганда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини бироз яхши ҳис этдилар ва сафларни ёриб олдинги саф томон ҳаракат қилдилар. Буни сезган Абу Бакр розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдинга ўтишлари учун орқага тисарилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розияллоҳу анҳуга жойида туришни амр қилдилар. Аммо Абу Бакр розияллоҳу анҳу ортга чекиндилар. Кейинчалик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розияллоҳу анҳудан: «Сенга ўрнингда туришни амр қилганимда нега орқага тисарилдинг?» деб сўраганларида у зот шундай деган эдилар: «Абу Қуҳофанинг ўғли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдида туриши мумкин эмас!»

Ҳаётда гоҳида ота ўғлини олдинги ўриндикда ўтиришини талаб қилади. Ўғил буни истамайди. Отасининг олдинда ўтиришини хоҳлайди. Бу «эътироз» отага итоатсизлик эмас. Аксинча, яхшиликдир. Бу ҳол муҳаббат

ва ҳурматдан келиб чиққан истамасликдир. Маъно ҳам очиқ-равшан. Янада равшанлаштиришга эҳтиёж йўқ!

«Эй Али, уни ўчир!» деган жумлада уммат ўрганадиган кўп дарс бордир:

- 1 Маъно-мазмунга эътибор бериб, кичкина ва арзимас ишлардан хатлаб ўтиш.
2. Самарасиз жанжалларга ва натижага эътибор бермаслик.
3. Бир лаҳзалик зиёндан қочаман деб стратегик манфаатни бой бермаслик.
4. Олдинга узоқроқ сакраш учун бироз орқага тисалиришнинг зарари йўқлиги.
5. Ўзини билмасликка солиш ва кечириш буюкларимиз хулқидандир. Душман у ёқда турсин, қариндош ва дўстларимизни кечиришга қанчалар муҳтожмиз!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.